

ТАЪЛИМНИ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН ПЕДАГОГИК МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мадихонова Барно Мамаджановна

*Андижон шаҳар 12-сонли ёрдамчи махсус мактаби кунли узуйтирилган
гуруҳ тарбиячиси*

Аннотация: *Ҳозирда таълим тизимида кечаётган ислохотлар уни тубдан ислоҳ қилиш, иқтисодий ва ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш методикаси жуда катта ўзгаришлар олиб борилмоқда. Ушбу мақолада шу ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.*

Калим сўзлар: *иқтисодий, ижтимоий, инновацион, анъанавий ноанъанавий*

Аннотация: *В настоящее время реформы, происходящие в системе образования, претерпевают радикальные изменения, а методика преподавания экономических и социальных гуманитарных наук претерпевает большие изменения. В этой статье обсуждается это.*

Ключевые слова: *экономические, социальные, инновационные, традиционные нетрадиционные.*

Abstract: *Currently, the reforms taking place in the education system are undergoing radical changes, and the methods of teaching economic and social humanities are undergoing great changes. This article discusses this.*

Key words: *economic, social, innovative, traditional, non-traditional.*

Ўқитувчилар кўпроқ инновацион технологиялар ёрдамида дарс ўтиш афзал деб биладилар. Шу ўринда биз мактабда ўқитилаётган фанлардан анъанавий ва ноанъанавий методларни қўллаганда уларнинг афзаллик жихатини кўриб чиқамиз.

Анъанавий дарс – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим модели ҳисобланиб, ўқув материали

янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс кўп холларда таълим жараёнининг бир-бирдан методи бўлиб қолётганлиги кўзга ташланди.

Анъанавий дарс ўтишда ўқитувчи кўпроқ фаол иштирок этади. Шу сабаб, бу холларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган холда, унга турлитуман ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келар экан. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот роли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларни келтирилиши, ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, ранг-баранг баҳолаш усулларидан фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Ана энди ноанъанавий ўқитиш моделига тўхталсак, дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив усуллари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиш усуллари деб ҳам таърифланади. Бу усуллардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги кунда бутун дунёда фаол интерактив услубларни қўллаш дарс ўтишни самарали услуби сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмоқда.

Ноанъанавий ўқитиш методларнинг афзалликлари ;

Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши, ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши, тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши, ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши, мотивациянинг юкори даражада бўлиши, ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши, мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши,

ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши, ўқувчиларнинг предметнинг мазмунинг, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати, мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шақалланишига ёрдам бериши, нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантикий фикрлашни ҳам ривожлантириши, муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши, ўқитиш жараёнида анъанавий ва ноанъанавий технологияларни мақсадга мувофиқ холда қўллай олиш, таълим сифатини ошириш, таълим оловчиларнинг мустақил ва мус- тахкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш зарур, ҳар бир ўқитилаётган фанлардан инновацион технолгияларни фанларнинг мавзуларига мос холда қўллай олиш, ўқувчилар билим даражаси ва дунёқарашини кенгайтиришда албатта интерактив методлардан ўринли ва самаралин фойдаланиш зарур, таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди, янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиган холда таълим жараёни етук шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш холатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади, баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Юқоридаги назарий-услубий хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий таклифларни айтиш мумкин:

- Инновацион технолгиялар асосида ўқитиш бўйича махсус малака ошириш курсларини фаолигини ошириш;
- Ўқув амалиётига инновацион технологияларни кенг қўллаш учун моддий техник базани яхшилаш ва такомиллаштириш керак;
- Педагоглар инновацион технолгиялар билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш учун турли семинарлар ташкил қилиш;

- Инновацион технологияларни ўрганиш бўйича марказ ва ўқитиш курслари билан ўзаро ҳамкорлик алоқларини йўлга қўйиш;
- Олий ўқув юртларидаги илғор педагогларни инновацион технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиш жараёнларини тажрибаларини яқиндан ўрганиб оммалаштирилса ўқитиш сифатини янада оширишга имкон бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. В.Каримова, Ф.Акромова.педагогика. Дарслик.-Т. ТДИУ, 2007-183 бет
2. В.Йўлдашева, С .Усмонова, Ф Жумабоева .Педагогика технология асослари.Ўқув қўлланма.-Т.2004.-140 бет
3. Z.G.Otaboeva.Further developing culture of cooperation to higher education students with the help of “cluster”methodology FARS International Journal of Education,Social Sceince G Humanities. (FIJESH). ISSN:2945-4492 Finland.B.2480-2483 Sciatitic Journal Impact Factor
4. З.Ғ.Отабоева. Шахс ривожланиши хақида тушунча. Экономика и социум. 4-2 (83) 2021. 297-300-б